

9-10-2019

THE PROBLEMATIC ASPECTS OF THE FORMATION THE BASE OF IDIOMS IN THE NATIONAL CORPUS OF UZBEK LANGUAGE

G. H. Begmatova

Teacher of Termez state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Begmatova, G. H. (2019) "THE PROBLEMATIC ASPECTS OF THE FORMATION THE BASE OF IDIOMS IN THE NATIONAL CORPUS OF UZBEK LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 7 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss7/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE PROBLEMATIC ASPECTS OF THE FORMATION THE BASE OF IDIOMS IN
THE NATIONAL CORPUS OF UZBEK LANGUAGE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ИДИОМАЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Бегматова Г. Х.

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ҳар бир тилнинг шахсий коллекцияси ҳисобланган идиомалар тўғрисида фикр юритилган бўлиб, тил эгаси бўлмиш халқнинг донолигини акс эттирувчи ушбу, миллий-ментал колорит билан “оҳорланган” лексик бирликлар базасини корпусда шакллантиришнинг бир неча муаммоли жиҳатлари баён этилади.

Калит сўзлар: миллий корпус, фразеологизмлар, идиомалар, фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик.

ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ БАЗ ИДИОМ В НАЦИОНАЛЬНОМ КОРПУСЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Бегматова Г.Х.

Преподаватель Термезского государственного университета

Аннотация: В статье излагаются взгляды по отношению идиом, которые являются личной коллекцией каждого языка. Также, освещаются некоторые проблемные аспекты формирования базы в национальном корпусе данной лексической единицы, отражающей ментальную окраску и мудрость людей, носителей языка.

Ключевые слова: национальный корпус, фразеологизмы, идиомы, фразеологические сращения, фразеологическая целостность.

THE PROBLEMATIC ASPECTS OF THE FORMATION THE BASE OF IDIOMS IN THE NATIONAL CORPUS OF UZBEK LANGUAGE

Begmatova G.H.

Teacher of Termez state university

Abstract: The article outlines the idioms that are a personal collection of each language. Also, some problematic aspects of the formation of the base in the national corpus of this lexical unit, reflecting the mental coloring and wisdom of people, native speakers, are highlighted.

Keywords: national corpus, phraseological units, idioms, phraseological units, phraseological integrity.

КИРИШ

Барча тиллар ўз ривожланиш босқичида турли таъсирларга учрайди. Бу таъсирларнинг салбий оқибатларини камайтириш ёки четлаб ўтиш орқали уларнинг тараққиёти таъминланади. Профессор Б. Менглиев фикрига кўра тилларнинг йўқолиб кетмаслигини таъминловчи факторлардан бири бу тилнинг интернет тилига айланганлигидир[6]. Интернет тили дейилганда, маълум бир ахборотнинг электрон тизимда айнан ўша тилдаги мавжуд базаси назарда тутилади. Турли маълумотлар базасининг маълум бир тилдаги электрон тизимдаги захираси корпус номи билан фанга кириб келди. Ҳозирги кунда корпус амал қилиш

соҳаларига кўра таълимий ва таълимий бўлмаган қисмларга ажратилиб унга мос маълумотлар йиғилмоқда.

Қайд этиш лозимки, миллий тил корпусини яратиш ўз-ўзидан содир бўлмасдан, унга киритилувчи тил birlikлари тегишли тамойиллар асосида компьютер тилига “ўгирилади”. Бунда тил лексикасини ташкил этувчи birlikларни барчаси ҳам осон разметкаланавермаслигини инобатга олиш лозим. Хусусан, биз фикр юритмоқчи бўлган идиоматик birlikлар ҳам.

АСОСИЙ ҚИСМ

Идиомалар ҳар бир тилнинг шахсий коллекцияси бўлиб, тил эгаси бўлмиш халқнинг донолигини акс эттирувчи ўзига хос лексик бутунлик ҳисобланади. Корпусда идиомалар базасини шакллантиришнинг бир неча муаммоли жиҳатлари мавжуд:

- 1.Идиомалар ҳақида ўзбек тилшунослигининг академик дарсликларида маълумотларнинг йўқлиги;
- 2.Идиомаларнинг фразеологизм ва бошқа барқарор бирикмалардан фарқи очиб берилмаганлиги;
- 3.Ўзбек лексикографиясида идиоматик birlikларни йиғиш амалиётининг амалга оширилмаганлиги;
- 4.Ўзбек тилшунослигида бажарилган илмий тадқиқотларда идиомаларнинг табиати фақат халқаро, хусусан, инглиз ва рус тилидаги идиомаларга қараб ажратилиши.

Идиомаларнинг ўзбек миллий корпусида жамланиши бир неча ютуқли ишларнинг бошланишига ҳисса қўшади. Ўзбек тилининг жаҳон тиллари билан ўзаро муносабатини жадаллаштириш, таржима материалларини бойитиб бориш амалиёти кўп ҳолларда ўзбек миллий менталитетига хос бўлган идиомалар ва ўзига хос миллий тил birlikларини интернет тилига кўчириш заруратини келтириб чиқаради.

Маълумки, идиомалар фразеологизмлар таркибида ўрганилади. Бинобарин, фразеологизмлар ҳақида олимларнинг фикрлари бир-бирларидан фарқ қилади. Бунда Л.П.Смит, В.П.Жуков, В.Н.Телия, Н.М.Шанский каби олимлар фразеологизмларга барқарор бирикмаларни киритишса, Н.Н.Амосов, А.М.Бабкин, А.И.Смирнитскийлар улар таркибидаги фақат маълум гуруҳни фразеологизмга мансуб деб билишади. Академик В.В.Виноградов мақоллар, маталлар ва машҳур сўзлар (крылатые слова)ни фразеология соҳасига қўшмайди.

Шу сингари, идиома номи остида Д.О. Добровольский фақат фразеологик birlikларни келтирган бўлса [1], В.Виноградов таърифига кўра фразеолофизмлар уч гуруҳга бўлинган.

- *фразеологик чатишмалар,*
- *фразеологик бутунликлар,*
- *фразеологик birlikлар.*

Фразеологизм, фразеологик birlik, фразема — икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган, маъновий жиҳатдан ўзаро боғлиқ сўз бирикмаси ёки гапга тенг келадиган, яхлитлигича кўчма маънода қўлланадиган ва бўлинмайдиган, барқарор (турғун) боғланмаларнинг умумий номи. Фразеологизмлар, шаклан ўзларига ўхшаш

синтактик тузилмалардан фарқли равишда, нутқда сўзларни эркин танлаш, алмаштириш йўли билан юзага келмайди, балки маъно ва муайян лексик-грамматик таркибли, аввалдан тайёр материал сифатида қўлланилиб, таркибидан бирор қисми чиқариб ташлаш, тушириб қолдириш мумкин эмас: *анқонинг уруги, арпасини хом ўрмоқ, чучварани хом санамоқ, терисига сигмай кетмоқ, капалаги учмоқ, кўнгли жойига тушмоқ, қўли очиқ, қулоғи оғир* ва бошқа.

Фразеологизмлар тарихий қўлланиш меъёрларига, усулларига эга бўлиб, уларнинг маънолари муайян нутқий жараёнда ойдинлашади. Фразеологизмларнинг қуйидаги турлари фарқланади: **фразеологик чатишма** — фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди, фраземадан англашилган кўчма маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноси билан изоҳланмайди: *тўнани тескари киймоқ, оёғини қўлига олиб чопмоқ, бошини олиб чиқиб кетмоқ* ва бошқа; **фразеологик бутунлик** (бирлашма)—фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳланади, шу маънолар асосида умумлаштирувчи кўчма маъно ифода қилинади (кўпинча бундай бирлашмаларнинг ўз маъносида қўлланадиган вариантлари ҳам мавжуд бўлади): *ёғ тушса ялагудек, енг шимармоқ, хамирдан қил сугургандек, тўйдан олдин ногора чалмоқ* ва бошқа; фразеологик кўшилма—бунда фраземалар таркибидаги бир сўз кўчма маънода қўлланади, бошқаси эса ўз луғавий маъносини сақлайди: *гапнинг тузи, қўли гул, иштаҳаси очилди*.

Фразеологизмлар синтактик тузилишига кура 2 га бўлинади: бирикмага тенг фразеологизмлар (*катта оғиз, аммамнинг бузоғи, тўёғини шиқиллатмоқ*) ва гапга тенг фразеологизмлар (*юзи ёруғ бўлди, боши осмонга етди, сиркаси сув кўтармайди*). Қисмлари ажралмас ҳолда бўлганлиги учун фразеологизмлар гапда битта синтактик вазифада келади. Масалан, *Қизга ўзбек қишлоғининг содда ҳаёти, оқ кўнғил одамлари ёқди* ва *Насимжон боши кўкка етгудай суюнди* гапларидаги *оқ кўнғил* фраземаси—аниқловчи, *боши кўкка етгудай* фраземаси ҳол вазифасида келган.

Фразеологизмлар тайёр луғавий бирлик—сўзга тенг бўлганлиги туфайли сўзга хос шакл ва маъно муносабатларига ҳам эга бўлади, яъни тилда фразеологик омонимия (масалан, *қўл кўтармоқ*—1) урмоқ, урмоқчи бўлмоқ, 2) тарафдорлигини билдирмоқ), фразеологик синонимия (*тоқати тоқ бўлмоқ*—сабр косаси тўлмоқ) ва фразеологик антонимия (*кўнгли оқ—ичи қора, кўкка кўтармоқ—ерга урмоқ*) мавжуддир.

Асрлар давомида шакланган фразеологизмлар оғзаки нутқда, бадиий адабиётда ҳамда публицистикада ўткир, таъсирчан тасвирий восита сифатида кенг қўлланади. Ёзувчилар ўз асарларида фразеологизмлардан унумли фойдаланиш билан бирга мавжудларини асар руҳига мослаган ҳолда қисман ўзгартирадилар, шу йўл билан янги иборалар яратадилар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Саид Аҳмад ва бошқа томонидан ижод қилинган фразеологизмлар бунга мисол бўла олади.

Турли хусусиятларга эга бўлган фразеологизмлар маълум тилнинг фразеологик қатламини ташкил этади. Тилнинг фразеологик қатлами доимий равишда янги фразеологизмлар билан бойиб боради ва халқнинг маданий, тарихий

тажрибасини, шунингдек, муайян тилнинг тарихий тараққиёт қонунларини акс эттиради.

Маълумки, ўзбек фразеологияси юзасидан Ш.Раҳматуллаев, А.Исаев, К.Бозорбоев, А.Маматов, Б.Ўлдошев, У.Рашидова, Ш.Ғаниева, Ш.Алмаматова, Б.Болтаева [5] каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган бўлиб, улар фразеологизмнинг маълум бир қирраларини ёритишга хизмат қилишган. XX асрнинг 40-йилларигача тилнинг фразеологик таркибига бағишланган назарий қарашларни Ф.Фортунатов, А.Булаховский, И.Срезневский, А. Потебня, С.Абакумов ишларидагина учратиш мумкин эди. Лекин кейинчалик бу соҳадаги тадқиқотларнинг салмоғи ошди. Аммо уларнинг барчасида умумий қоида асосида иш кўриш, Виноградов, Шахматов таърифларига суяниш сезилиб қолди. Бинобарин, биз текшираётган идиомаларнинг етарлича таъриф этилмаслигига бош сабаб ҳам, бизнингча, ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос колоритини акс эттирувчи турғун бирикмаларнинг етарлича тадқиқ этилмагани билан боғлиқ.

Идиома фразеологизм таркибига кириб, баъзи адабиётларда айнан фразеологизмнинг ўзи деган фикрлар кетади. Идиомаларнинг берилиши, маъно ифодалашига оид маълумотларни фақат умумий тарзда учратамиз. Хусусан, О.Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” луғатида идиомага қуйидаги таъриф берилган:

Идиома (*грекча идиома-ўзига хослик, алоҳидалик*), маълум халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб берувчи тил бирлиги бўлиб, фразеологик бирликлардан ҳисобланади. ИДИОМА (*идиоматизм, идиоматическое выражение*) англ. *idiom, idiomatic expression*, фр. *idiome, idiotisme*, нем. *Idiom, idiotismus*, усн. *Idiomatismo* (Словосочетание, обнаруживающее в своем синтаксическом и семантическом строении специфические и неповторимые свойства данного языка) [2]. Ёки А. Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” да бундай таърифга дуч келамиз: *Идиома* (юнонча *идиома-ўзига хос ифода, ибора*) айн фразеологик *чатишма* [3].

Идиома деб маъноси таркибидаги сўзлар маъноларининг йиғиндисидан келиб чиқмайдиган сўз бирикмаларига айтилади [4]. Идиоматик иборалар, асосан, кундалик мулоқотда қўлланилади. Бундай иборалар тезда ёдда сақланиб қолиб, ўзига функционал жиҳатдан тенг бўлади. Улар фикрларни чиройли ифодалашга ҳам хизмат қилади. Шу ўринда инглиз тилидаги идиомалардан баъзиларини келтиришни ўринли деб билдик. *Costs an arm and a leg* идиомасида нархи қиммат деган маъно англашилади. Ёки *Kill two birds with one stone* идиомаси ўзбек тилидаги “Бир ўқ билан икки қуённи уриш” бирикмасига мос тушади. *It takes two to tango* бир вақтнинг ўзида бир неча шахс билан ҳаракат ёки суҳбат олиб бориш мазмунидаги идиома ўзбек тилидаги *бир вақтда икки кемани тутуш* мазмунини беради. Ёки инглиз тили идиомаларида бирон ишни осон ҳал қилиниши *A piece of cake* орқали ифодаланса, ўзбек тилида бу идиомага муқобил сифатида *хамирдан қил сугурмоқ*ни келтиришимиз мумкин. Бизга маълумки, идиомаларни бошқа фразеологик бирликлар каби алоҳида таржима қилиб ёки ажратиб бўлмайди. Бу эса бир тил доирасидаги идиомаларни бошқа тил эгаларига тушунтиришда ноаниқликларни

келтириб чиқади. Аммо бу уларнинг бошқа тилдаги муқобилини келтириш, уни таржима қилиш мумкин дегани эмас.

Хўш, идиомалар табиатини очиб беришда қай йўлдан кетиш маъқул? Уларни умумий билдирган мазмуни асосида яхлит тушуниш керакми ёки миллий колоритни тасвирлашдан келиб чиқишига оид тушунчага таяниб иш кўриш керакми? Бу тадқиқотчининг олдига қўядиган ва бажаришида эришадиган мақсадида аниқ бўлади.

Ўзбек тилида идиомалар юзасидан илмий тадқиқот олиб борган ишлардан бири М.Рўзиқуловага тегишли бўлиб, тадқиқот “Ўзбек тилида идиомалар” мавзуси остида 1966 йилда амалга оширилган ва нисбатан анча олдинги ишлар сирасига киради.

ХУЛОСА

Кўринадикки, идиомалар борасидаги тадқиқий материалларнинг етарли эмаслиги (мавжудларининг эса аксарият ҳолларда инглиз ва рус тилида бажарилган тадқиқотларга таянилиб бажарилгани), айти вақтда уларни тўғри таърифлаб, таснифлаш ҳамда шунга мос ҳолда Миллий корпусга база сифатида киритиш амалиётини қийинлаштиради. Ўзбек тилининг миллий корпусида идиомалар базасини яратиш идиомаларнинг тадқиқ доирасини кенгайтиради, келажак авлодга тилимизга тегишли бўлган миллий-ментал, маданий хусусиятларини тушунтириш имконини оширади.

References:

- 1.Krutova, I. N. Funkcionirovanie emotivnix sintaksicheskix idiom [Tekst] / I. N. Krutova // Materiali Vserossiyskoy nauchno-prakticheskoy konferensii «Kulturno-istoricheskoe vzaimodeystvie russkogo yazika i yazikov narodov Rossii». 9–12 noyab. 2009 g.:materiali / redkol.:S. M. Trofimova [i dr.].–Elista: Izd-vo Kalm. un-ta, 2009.–S. 156–158 (0,4 p.l.).–ISBN 978-5-91458-068-8.
- 2.Axmanova O. S. Slovar lingvisticheskix terminov.–M.:Sov. ensiklopediya, 1966.
- 3.Xojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati.–Toshkent, 2002.
- 4.Yusupov A.L Inglizcha-o'zbekcha idiomalar lug'ati.–Toshkent: Yangi asr avlodi, 2014. <https://kitobxon.com/ru/asar/2004>.
- 5.Boltaeva B. I. O'zbek tili frazeologik birliklarining transformatsiyasi. Fil.fan disser avtoreferati. Samarqand, 2019.
- 6.O'zbek tilining milliy korpusi // Ma'rifat–Uchitel Uzbekistana //html.